

11 октябрь — “Халқаро қизлар куни”



Ушбу кун муносабат билан туман маданият марказида «Қизлар миллат таянчи» шиори остида «Сенинг ташаббусинг-Сенинг келажагинг учун» қизлар форуми үтказилди.

Форумда мактабларда таълим олаётган зийрак, иқтидорли ва истеъододли қизларнинг қўл меҳнати ёрдамида ясаган буюмлари кўргазмаси ташкил этилиб, тадбир иштирокчилари бу ёшларнинг ижод намуналаридан тайёрланган кўргазма билан танишди.

Тадбир давомида ҳар бир фаол қизларнинг ютуқлари ҳақида сўз юритилиб, уларга форум ташкилотчилари томонидан ташаккурнома ва эсдалик совғалари тантанали топширилди.

Бу форумни үтказишдан асосий мақсад қизларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш, уларнинг кийиниш ва нутқ маданиятини ошириш, ёшларимиз онгини ёт ғоялардан ва иллатлардан асраш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишдан иборат.